

КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ҚУРИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУН-ЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШ-ТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Рўзметов Наврўзбек Икрамжанович

Муаллиф: Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академиясининг магистратура битирувчиси, мустақил изланувчиликка
НОМЗОД.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.05.2023 йилдаги **ПҚ - 158** - сон қарорига асосан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, белгиланган тақиқларни (чекловларни) бузган ҳолда биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳолатлари учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кескин кучайтириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Мазкур қарорнинг 16-бандига кўра, қонунчиликка мувофиқ бино ва иншоотлар қурилиши бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган параметрларга, ушбу тоифалардаги фойдаланишдаги бино ва иншоотнинг зилзилабардошлигига таъсир қилувчи конструкцияларга, шу жумладан биринчи қават ва ертўлаларга ўзбошимчалик билан ўзгартириш киритиш қатъий тақиқланади. **Бош прокуратура** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, белгиланган тақиқларни (чекловларни) бузган ҳолда биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳолатлари учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кескин кучайтириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши ва белгиланган тартибда киритиши белгиланди. Шу асосдан келиб чиқиб биз ҳам илмий изланишимиз доирасида мазкур турдаги қонунчиликни чуқур таҳлил қилиб, амалий таклифлар ишлаб чиқишга қарор қилдик. Мазкур қарорга асосан, 2024 йил 1 январдан бошлаб объектларда **давлат назорати**, буюртмачининг **техник назорати**, ишлаб чиқувчининг **муаллифлик назорати** ва пудратчининг **ички назорати** тадбирларини тегишли йўналишлар бўйича махсус билимга ва сертификатга эга мутахассислар томонидан амалга ошириш амалиёти жорий қилинадиган, 2023 йил 1 сентябрга қадар лойиҳа ташкилоти томонидан буюртмачига қурилиш-монтаж



ишлари давомида лойиҳага мувофиқ бериладиган ҳар бир мажбурий кўрсатмани тўлиқ бажармаганлик учун **жавобгарликни ва ваколатли органи** назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладиган ва белгиланган тартибда киритиладиган бўлди. Мазкур қарордан келиб чиқадиган бўлсак, жиноят кодексида мазкур масалага йўналтирилган махсус норма мавжуд эмаслигини, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида келтирилган нормалар бугунги қурилиш соҳасидаши ижтимоий муносабатларни тўлиқ қамраб олмаётганлигини инобатга олган ҳолда ёндашиш лозим бўлади. Бугунги кундаги қонунчиликка мурожаат қиладиган бўлсак, “Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси”нинг **25-моддаси** сўнгги хатбошисига кўра, Экспертлар ва эксперт ташкилотлари ўз фаолиятида шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан мустақилдир. Шаҳарсозлик ҳужжатларини кўриб чиқиш ва улар бўйича экспертиза хулосаларини тайёрлаш вақтида ҳеч ким экспертлар ёки эксперт ташкилотлари ишига аралаштишга ҳақли эмас. Мазкур нормадан англашиладики, экспертиза ўтказувчи ташкилот иерархия нуқтаи назаридан ҳеч қандай ташкилотга бўйсунмаслиги ва фаолияти юзасидан амалга оширилган ҳаракатлари ва берилган хулосалари нуқтаи назаридан жавобгарликни ўз зиммасига олиши тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **ПФ-5392-сон Фармони**га мувофиқ 2018 йил 2 апрельда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги **ПҚ-3646** сонли қарорга биноан, «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» давлат унитар корхонаси ташкил қилинди ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланди: белгиланган тартибда шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш; архитектура-режалаштириш ва шаҳарсозлик ечимлари даражасини ошириш; лойиҳа иши ва қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида илғор тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш; шаҳарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш. Ўрнатилган тартибда аккредитациядан ўтган **тадбиркорлик субъектлари** ҳам ушбу бандда назарда тутилган вазифаларни бажариш ҳуқуқига эгаллиги



белгиланди. Мазкур қарор билан юқорида айтиб ўтилган экспертиза ташкилоти Қурилиш вазирлиги тизимида ташкил қилинганлиги ва мазкур экспертларнинг бевосита вазирликка бўйсундирилиши Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 25-моддасида келтирилган қоидага зид ҳисобланади ва мазкур масала юзасидан биз томонимиздан ушбу ташкилотнинг тузилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ёки кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим деб топилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.09.2021 йилдаги 579-сонли қарорининг 21-бандига мувофиқ, Давлат бюджети ва унга тенглаштирилган манбалар, давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар кафолатлари остида олинган ташқи инвестиция маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ишларнинг лойиҳа ҳужжатлари, «**Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси**» ДУК ёки унинг ҳудудий филиаллари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар лойиҳа ҳужжатлари буюртмачининг ихтиёрий мурожаатига кўра эксперт ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Мазкур соҳада рақобатбардош муҳит тўлиқ яратилмаганлиги сабабли мазкур ташкилот экспертиза соҳасида ягона фаолият олиб боровчи ташкилот бўлиб қолаётганлиги мазкур йўналишда очиқлик ва шаффофликни таъминлашга тўсқинлик қилиб келмоқда. Ривожланган давлатлар мисолида оладиган бўлсак, мазкур экспертиза ўтказувчи ташкилотлар хусусий секторда кўп бўлганлиги сабабли ягона экспертиза фаолиятини олиб боровчи ташкилот мавжуд эмас. Мазкур ташкилот шаҳарсозлик норма ва қоидаларини амалга оширувчи ташкилот таркибий тизимида ташкил қилинганлиги мантиқсиз ҳолатни келтириб чиқармоқда. Худдир шунингдек, Қурилишни назорат қилиш инспекцияси (ГАСН) ташкилоти ҳам ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қурилиш вазирлиги таркибига кириб, Буюртмачи ташкилотларининг ягона маркази бўлган Қурилиш вазирлиги таркибига киради ва қурилиш устидан назоратни олиб боради. Мазкур ҳолатларга чек қўйиш ва соҳада чинакам шаффофликни таъминлаш учун мазкур қурилиш вазирлигининг таркибий тузилмасини қайтадан кўриб чиқиш, айрим бўйсунувдаги ташкилотларни агентлик қилиб Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида қайтадан ташкил қилиш лозим бўлади.

Бундан келиб чиқиб,





маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилишини лозим деб топдик. Кодекснинг 2-моддасига кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг **олдини олишни**, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида **тарбиялашни** ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ўз олдига қўйган вазифаларни бажара олмаяпти, яъни бунда маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олди олиниши, шахсни қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш каби нормалар фақатгина қоғозда қолиб кетмоқда. Бунинг асосий ва бирдан бир сабаби жавобгарлик тизимида. Жавобгарлик содир қилинган қилмишга муносиб бўлиши, жавобгарликдан кўзланган мақсадга эришишга хизмат қилиши лозим. Кодекснинг 10-моддасига кўра, Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи **ғайриҳуқуқий, айбли** (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Маъмурий ҳу-қуқбузарлик содир қилган шахсга кодекснинг **22-моддасида** белгиланган тартибда маъмурий жазо тайинланади. Унга кўра, Маъмурий жазо **жавобгарликка тортиш чораси** бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг **ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам** янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан берилган расмий статистик маълумотга кўра, **2020-йилда** МЖТКнинг 99-моддаси билан кўрилган ишлар статистикаси қуйидагича: жами кўриб тамомланган ишлар сони **1237** та бўлиб, шундан **1179** та иш бўйича жазо қўлланилган. Ушбу жазо турларидан **1201** та иш юзасидан жарима жазоси қўлланилган. Умумий иш сонидан **36** та иш ҳолатларида МЖТКнинг 21-

моддасига кўра огоҳлантириш, 17 та ҳолатда МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига кўра маъмурий жавобгарлик аломати йўқ деб иш тугатилган. **2021-йилда** МЖТКнинг 99-моддаси билан кўрилган ишлар статистикаси қуйидагича: жами кўриб тамомланган ишлар сони **1713** та бўлиб, шундан **1654** та иш бўйича жазо қўлланилган. Ушбу жазо турларидан **1693** та иш юзасидан жарима жазоси қўлланилган. Умумий иш сонидан **38** та иш ҳолатларида МЖТКнинг 21-моддасига кўра огоҳлантириш, **15** та ҳолатда МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига кўра маъмурий жавобгарлик аломати йўқ деб иш тугатилган. **2022-йилда** МЖТКнинг 99-моддаси билан кўрилган ишлар статистикаси қуйидагича: жами кўриб тамомланган ишлар сони **913** та бўлиб, шундан **879** та иш бўйича жазо қўлланилган. Ушбу жазо турларидан **896** та иш юзасидан жарима жазоси қўлланилган. Умумий иш сонидан **18** та иш ҳолатларида МЖТКнинг 21-моддасига кўра огоҳлантириш, **11** та ҳолатда МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига кўра маъмурий жавобгарлик аломати йўқ деб иш тугатилган. Ушбу статистикадан кўриниб турибдики, мазкур норма бўйича жазо асосан ҳуқуқбузарга нисбатан **жарима жазоси** тўланиши билан ўзининг хавфлилик аҳамиятини йўқотмоқда. Лекин бугунги кунда қурилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ўзгарганлиги, мазкур жазо билан маъмурий жавобгарликка тортиш мақсадига эришиб бўлмаслигидан келиб чиқиб, мазкур жарима жазо турини суд амалиётида қўллашда асосан, бошқа жазо турларига аҳамият қаратиш лозимлиги, етказилаётган зарар жарима билан қопланмаслигини, инобатга олиниши лозим деб топдик. МЖТКнинг 268² – моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига ва унинг ҳудудий инспекцияларига ушбу Кодекснинг 99-моддасида (йўл қурилиши соҳасидаги қонунчиликни бузиш бундан мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. Ушбу Кодекснинг 99-моддасида (йўл қурилиши соҳасидаги қонунчиликни бузиш бундан мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари номидан **жарима** тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясининг бошлиғи,



шунингдек ҳудудий инспекцияларнинг бошлиқлари ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ва унинг ҳудудий инспекцияларининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 178-моддасида (истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузишга доир қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади ва ушбу Кодекснинг **282-моддасида** белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборади. Мазкур норма амалиётда оқсоқланиб ишламоқда. Яъни кўп қаватли уйлар қурилиши соҳасида қурилиш учун ажратилган ер майдонининг умумий майдони ичига унинг тегишли инфратузилмалари ҳам кириши инобатга олинмаяпти. Яъни бунда қурилиш ишлари топографик картада белгиланган қизил чизиқ белгиланган ҳудудда қурилиш ишлари олиб бораётганлиги, унга зарур бўлган болалар майдончаси, автотураргоҳ, кириш-чиқиш йўлаклари барпо этилмасдан, мазкур масалалар давлат ер заҳираси ҳисобидан амалга оширилаётганлиги, белгиланган ҳудуднинг ичига тадбиркор томонидан тўлалигича бино қурилиши натижасида мазкур инфратузилмалар учун зарур бўлган ер майдонлари қолмаётганлиги, буни бартараф этиш учун қурилишни назорат қилиш инспекторлари томонидан қурилишда аниқланган ноқонуний ҳаракатларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилишига қарамасдан қурувчи томонидан қилинган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилмаслиги, буни асос қилиб қурилишни назорат қилиш инспекторлари ходимлари маъмурий баённома расмийлаштириб ишни судга ошираётганликлари, натижада ноқонуний ҳаракатлари ёки берилган топшириқни ўз вақтида бажармаганлиги туфайли қурилиш ташкилоти мансабдор шахслари фақат МЖТКнинг **178-моддасининг тўртинчи қисмига** кўра (*Тайёрловчининг товарлар, ишлар, хизматлар хавфсизлиги ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаши, уларни ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслиги*) жарима тўлаш билан қутулиб қолаётганликлари ва ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик номутаносиб бўлаётганлиги бизни мазкур нормага таклиф беришга ундамоқда. Яъни мазкур ҳолатда қурилиш фирмаси мансабдор шахсларига



қурилишни назорат қилиш инспексияси ходимлари томонидан тегишли кўрсатмалар берилади, айтайлик, техник регламентга мувофиқ амаалга оширилаётган ишларни сифат даражасида бажариш, масалан, ғишт териш, раствор қоришмаси ва сувоқ ишлари, пардозлаш ишлари ва шунга ўхшаган майда қурилиш ишлари сифати билан боғлиқ масалаларда қурувчи томонидан мазкур кўрсатилган техник регламентга амал қилинмасдан сифат даражаси нисбатан камроқ бўлган қурилиш ишлари бажарилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, прокурор назоратини қурилиш соҳасида такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Бунга биргина мисол қилиб юқорида келтириб ўтилган ПҚ-158сонли қарор ва унга асосан прокуратура органларига юклатилган вазифалар, қонунчиликка таклиф ишлаб чиқиш учун берилган топшириқлар ва уларнинг изчиллигини таминлаш масаллари масаланинг ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинишини ва асосли таклифлар ишлаб чиқилишини талаб қилади. Мазкур соҳада Бош прокуратурадан мавжуд бўлган қурилиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими Қурилиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси қилиб ташкил қилинганлиги ва қўшимча штат бирликлари берилганлиги, шунингдек, ҳар битта ҳудудда туман прокурорининг қурилиш бўйича ёрдамчиси лавозимлари таъсис этилганлиги ҳам мазкур тармоқ улкан салмоқли ва давлат ва бюджет маблағларини талон-торождан сақлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилишидан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 30.04.2023 йилдаги Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.05.2023 йилдаги “Ўзбекистон республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида **ПҚ - 158** – сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **ПФ-5392-сонли** фармони.



5. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги **ПҚ-3646** сонли қарори.

